JIZZAX VILOYATI G’ALLAOROL TUMANI HOKIMI
QARORI

2021 - yil 21 - dekabr 179-3-45-Q/21 G‘allaorol tumani hokimligi

Махсус техникалар орқали истеъмолчиларга тоза ичимлик суви етказиб беришчора-тадбирларитўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш” Қоидаларининг 118-банди ва 2015 йил 30 октябрдаги “Сувтаъминоти ва канализация ташкилотларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 306-сонли қарорига мувофиқ, истеъмолчиларга махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифларини белгилаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Жиззах вилоят “Сувтаъминоти” МЧЖ Ғаллаорол туман филиали томонидан аҳоли (истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериладиган ҳудудлар, ичимлик суви миқдори, муддати ва етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифлари нархларни тартибга солувчи орган билан келишилган ҳолда иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Жиззах вилоят “Сувтаъминоти” МЧЖ Ғаллаорол туман филиали (Э.Убайдуллаев)га:

Ичимлик сувини белгиланган тартибда шартнома асосида махсус автотранспорт воситалари орқали ўз вақтида, тўлиқ етказиб берилишини;

Истеъмолчиларга етказиб берилган ичимлик суви бўйича
ҳисоб-китобларни белгиланган тартибда ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш топширилсин.

3. Туман ҳокимлиги матбуот котиби Ж.Нарзуллаевга ҳамда “Ғаллаорол овози” газетаси мухаррири А.Отамуродовга мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатни туман ҳокимлигининг расмий веб-сайти ва “Ғаллаорол овози” газеталрида эълон қилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Мамаражабов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ж.Оқбоев**